

ЮРТ РАВНАҚИ, ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

Қашқадарё вилоятида ҳам куз-қиш мавсумида сув иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ишлари аҳиллик ва уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Экин майдонларининг сув таъминотини яхшилаш мақсадида хўжаликлараро ва ички суғориш тармоқларини сифатли тозалашга жиддий эътибор қаратилаяпти. Эътиборлиси, бу ишларга сув истеъмолчилари уюшмаси ва фермер хўжаликларининг мироблари, маҳалла фаоллари кенг жалб қилинмоқда.

Жумладан, шу кунларда “Оқсув” ирригация тизими бошқармасига қарашли Анҳор-2 каналдан сув ташлама иншоотида, Яккабоғ тумани ирригация бўлими тасарруфидаги Янгиобод каналида таъмирлаш-тиклаш ишлари давом этмоқда. Сув йўлларини тозалаш, иш унумдорлиги ва сифатини ошириш учун замонавий механизмлар жалб этилган.



Шунингдек, “Оқсув” ирригация тизими бошқармаси ва Яккабоғ тумани ирригация бўлими ходимлари томонидан ёрдамчи хўжаликлар ва сувчилар уйларидаги дарахтларга шакл бериш, тўқсонбости экинларни парваришlash ва иссиқхоналардаги қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш ҳам эътибор марказида.

– Бугун вилоятимиз сув хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган муҳандис-техник ходим бўладими, механизатор, экскаваторчи, бульдозерчи ёки мироб бўладими, барчанинг мақсади ягона – Давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни ҳалол ва виждонан уддалаш, ўз вақтида бажариш, – дейди Қамаш тумани ирригация бўлими ўнг қирғоқ канали муҳандис гидротехниги, “Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги аълочилиси” кўкрак нишони соҳиби Фафур Юсупов. – Зеро, мамлакатимиз равнақи, халқимиз фаровонлиги биз учун ҳамма нарсадан муҳим.

Қашқадарёлик сувчиларнинг бугунги кунда амалга ошираётган ишлари вегетация даврида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш имконини беради.



Аму-Қашқадарё ИТХБ матбуот хизмати

манба: www.water.gov.uz